# IX. ХИЗМАТЛАР

2019 йил январь-сентябрда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 4036,1 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 1085,9 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 26,9 фоизини ташкил қилди. 2018 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш 114,9 фоизни ташкил этди.

**Январь-сентябрь ойларида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**

| | *ҳаракат-даги корхона-лар сони* | *млрд. сўм* | | *ўсиш суръати, %* | *якунга нисбатан фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|---|---|---|
| | | *2019 й.* | *2018 й.* | | |
| **Жами хизматлар** | **6134** | **4036,1** | **3266,2** | **114,9** | **100** |
| *шу жумладан хизмат турлари бўйича:* | | | | | |
| алоқа ва ахборотлаштириш хизмати | 94 | 250,7 | 251,2 | 111,5 | 6,2 |
| молиявий хизматлар | 94 | 720,1 | 407,6 | 174,7 | 17,8 |
| транспорт хизмати | 1930 | 1079,9 | 917,9 | 109,9 | 26,8 |
| *шу жумладан:* автотранспорт хизматлари | 1413 | 569,3 | 509,5 | 100,9 | 14,1 |
| яшаш ва овқатланиш хизматлари | 647 | 120,5 | 99,6 | 103,9 | 3,0 |
| савдо хизматлари | 1491 | 945,5 | 813,8 | 103,8 | 23,4 |
| кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар | 257 | 133,5 | 115,3 | 102,0 | 3,3 |

| | *ҳаракат-даги корхона-лар сони* | *млрд. сўм* | | *ўсиш суръати, %* | *якунга нисбатан фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|---|---|---|
| | | *2019 й.* | *2018 й.* | | |
| таълим соҳасидаги хизматлар | 452 | 176,8 | 153,6 | 98,7 | 4,4 |
| соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар | 197 | 45,4 | 38,4 | 101,1 | 1,1 |
| ижара ва прокат хизматлари | 55 | 90,6 | 75,5 | 105,7 | 2,3 |
| компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари | 124 | 124,1 | 112,4 | 102,6 | 3,1 |
| бошқа шахсий хизматлар | 60 | 154,8 | 132,7 | 106,7 | 3,8 |
| меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар | 79 | 78,2 | 47,3 | 119,4 | 1,9 |
| бошқа турдаги хизматлар | 654 | 116,0 | 100,8 | 102,0 | 2,9 |

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт (жами хизматларнинг 26,8 фоизи) ва савдо (23,4 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Шунингдек, молиявий хизматлар (174,7 фоиз), меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (119,4 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (111,5 фоиз) ўсиш суръати юқори бўлди.

**2019 йил январь-сентябрда иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш**




Жорий йил январь-сентябрь ойлари давомида иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмида транспорт хизматлари энг катта улушни эгаллаган бўлиб, 1079,9 млрд. сўмни ташкил этган, 2018 йилнинг мос даврига (2018 йилда 917,9 млрд. сўм) нисбатан 9,9 фоизга ошган, шунингдек кўрсатилган хизматлар ҳажмида савдо хизматлари – 945,5 млрд. сўм (2018 йилда – 813,8 млрд. сўм), молиявий хизматлар – 720,1 млрд. сўм (2018 йилда 407,6 млрд. сўм) ва таълим соҳасидаги хизматлар – 176,8 млрд. сўм (2018 йилда – 153,6 млрд. сўм) ҳиссаларига тўғри келди.